N 41 (170) • 2008 йил 10 октябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда 2009 йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаевнинг маърузаси тингланди.

Йиғилишда 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсати иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилишни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига солиқ юкини изчил пасайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга ва мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишга кўмаклашаётганлиги таъкидланди.

Тадбирда Давлат бюджети харажатларида асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтириш асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб, кўпроқ янги иш ўринлари яратишга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини давом эттириш кўзда тутилаётир.

***ЎзА.***

### ЭЪЛОН

Молия вазирлиги солиқ маслаҳатчиси малака сертификати олиш учун навбатдаги имтиҳон 2008 йил 1 ноябрда ўтказилишини маълум қилади. Малака имтиҳонида қатнашмоқчи бўлганларнинг ҳужжатлари Молия вазирлигида жорий йил 20 октябригача қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар – 239 29 31, 239 44 17.**

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

***Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бугунги кунда республика фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи қониқарли даражада эмаслиги, бундай аҳвол кўп жиҳатдан корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимидаги жиддий камчилик ва нуқсонлар билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.***

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-475-сон қарори билан тасдиқланган «2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури»нинг 2.1 ва 3.1-бандларида Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида республикамизда қимматли қоғозлар бозори ривожланишида орттирилган тажриба, қолаверса Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, МДҲ иштирокчи-давлатлари Парламентлараро ассамблеясининг 2001 йил 24 ноябрда Санкт-Петербург шаҳрида 18-7-сон қарори билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги намунавий қонуни, ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония каби давлатлар қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмлари ва бошқарилишига оид қонун ҳужжатлари таҳлилидан унумли фойдаланилди. Бу ўринда, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жорий йил 23 июлида расмий кучга кирганлиги ўз навбатида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилар эди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда жорий йилнинг 27 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб, расмий кучга кирган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни республикамизда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, фонд бозори фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш учун муҳим ҳуқуқий асос яратади. Зеро, бугунги кунда республикамизда жами 1 870 та акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, уларда

2-бетда

## СОЛИҚ ТЎЛАШ МАДАНИЯТИ

***Солиқ тизими ходимлари зиммасидаги асосий вазифа, энг аввало, солиқ қонунчилиги ижросини бажариш, соҳага оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бюджет тушумларини тўлалигича таъминлашдан иборат.***

Фаолиятимизда солиқ тўловчилар билан ишлаш, яъни тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари биринчи ўринда туради. Бу табиий ҳол. Чунки, соҳага оид қонунлар кишилар онгига қанча кўпроқ сингдирилса, улар ижроси шунча енгил кўчади. Мана, масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги ишларни олайлик. Маълумки, нақд пул билан ишлайдиган субъектларда назорат-касса машиналари мавжуд бўлиши шарт қилиб қўйилган. Тўғри, аксарият савдо дўконлари, хизмат шохобчаларида бундай ускуналар савлат тўкиб турибди. Лекин, бу машиналардан ҳамма жойда тўғри фойдаланиляптими, аниқроқ айтганда, тушум пуллари кирими ва уни банкларга топширишга муносабат қандай? Эътиборни масаланинг шу жиҳатига қаратяпмиз. Ходимларимиз жорий йил июль ойининг ўзида мазкур йўналишда 111 та қисқа муддатли текшириш ўтказишди. Натижаси нима бўлди денг, 78 ҳолатда 698,2 миллион сўм нақд пулни яшириш, 57 ҳолатда НКМдан фойдаланиш қоидасини бузиш ҳолларига дуч келинди. Бундай ҳуқуқбузарликнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Ваҳоланки, Учқўрғон туманида уяли алоқа воситалари ва карточка сотиш шохобчасида ишлаётган Ш.Азизов сингари тадбиркорлар ўз хатти-ҳаракатини майда-чуйдага йўяди. У оз эмас, кўп эмас, салкам 20 миллион сўм нақд пулни кирим қилмаган экан. Ёки айни кунда тадбиркорликнинг оммавий турига айланган аҳолига транспорт хизмати соҳасини олайлик. Тегишли идоралар билан ўтказилган қўшма рейдлар натижасида 143 та юк, 373 та йўловчи ташиш билан шуғулланаётган фуқароларнинг тегишли ҳужжатлари йўқлиги мазкур жабҳада тушунтириш ва назорат тадбирларини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатди.

Маълумки, фаолиятнинг ҳар қандай тури солиққа тортилади ва у ихтиёрий равишда тўланиши лозим. Хўш, буни ҳамма бирдай тушуниб етяптими? Узоқ йиллик кузатишлар натижасида шундай хулосага келдим: солиқ тўловчиларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳалол яшаб, ҳалол ишлайдиган ва тўловларни белгиланган муддатда амалга оширадилар. Иккинчи тоифадагилар эса қаерга қанча солиқ тўлашни билмайдиган кишилар. Учинчиси, солиқдан бош тортадиган ва ўз ҳамёнларини ўйлаб, даромадини яширадиганлар. Кўриниб турибдики, иккинчи тоифадагиларни тушунтириш ишлари билан кенгроқ қамраб олишимиз, кейинги тоифадагиларни эса қатъий назоратга олишимизга тўғри келади. Ишни айни талабдан келиб чиқиб ташкил этаётганимиз дуруст самара беряпти. Масалан, вилоятда нақд пул тушуми жорий йилнинг етти ойида ўтган йил шу даврига нисбатан 1,2 баробарга ошди.

***Алишер БОЙХОНОВ,***
***Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари.***

*(«Халқ сўзи», 2008 йил 7 октябрь, 195 (4605)-сон).*

• РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси ва “Аудитрейтинг” МЧЖ билан биргаликда**

“Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари бозорининг ҳозирги аҳволи ва аудиторлик фаолиятини ривожлантириш масалалари”
**мавзусида** ДАВРА СУҲБАТИ **ўтказади.**

***Аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишлари мумкин.***

**Давра суҳбати ўтказиш санаси 2008 йил 18 октябрь, соат 9.00 да бошланади**
**Ўтказиш жойи “Ўзбекистон” меҳмонхонасининг мажлислар зали**

**Алоқа боғлаш телефони 235-46-78**
**Тўлахўжаева Миновар Маҳкамовна**

УШБУ СОНДА

1-бет Солиқ тўлашда ҳам маданият керак
3-бет Қариганда қарам қилмасин
4-бет Ходимни “осонгина” бўшатиш
5-10-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

**$1 = 1333,29 сўм   €1 = 1818,61   £1 = 2351,26 сўм   ¥10 = 127,78 сўм**

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
p44 045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

1-бетда

жами 1,2 миллион акциядорлар бордир.

Юқоридаги Қонунда белгиланган муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик, хусусан:

**биринчидан,** маълумки, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддаси учинчи қисми амалдаги таҳририда томонларнинг ҳуқуқлари чекланмаган ҳолда акциядорлар ўртасида ёпиқ акциядорлик жамиятлари акцияларига талаб мавжуд бўлмаган тақдирда, акциядорнинг ҳаракатига оид нормалар аниқ этиб белгиланмаган эди. Бу эса ЁАЖ акциядорларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишида баъзи мунозарали ҳолатларни вужудга келтирар эди. Бошқача айтганда, илгари ЁАЖ акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган бўлсалар, **эндиликда** Қонуннинг 7-моддаси учинчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар моҳиятига кўра, ЁАЖ акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни **учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига, агар жамият уставида мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, эга бўлади.** Мазкур меъёр эса ўз навбатида келажакда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мавжуд тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади;

**иккинчидан,** Қонуннинг амалдаги таҳририда қўшимча акцияларни жойлаштириш вақтида акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқларини реализация қилиш масаласи тартибга солинмаган, амалдаги меъёр эса акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар билан чегараланиб қолган эди. Бу эса амалиётда акциядорлик жамиятларида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида акциядорлар ўртасида муайян даражада мулкий мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Бу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқни реализация қилиш тартибига аниқлик киритиш мақсадида Қонуннинг 39-40-моддалари таҳририга аниқликлар киритилди;

**учинчидан,** қимматли қоғозлар бозорининг ҳисоб тизимини соддалаштиришни, шунингдек акцияларни накдсиз шаклда чиқаришни назарда тутувчи «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кирганлиги ўз навбатида, жамият акциядорлари реестрини шакллантириш таомилига ҳам муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Бошқача айтганда, марказий рўйхатга олувчи ва республика депозитарийларининг маълумотлари асосида реестрни шакллантиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Акциядорларни реестрга киритаётганда такрорий ҳаракатларни бекор қилиш, унинг ўрнига хизмат кўрсатувчи депозитарийдаги депо ҳисобварағи бўйича кирим ёзувини киритиш йўли билан реестр юритиш тизимида акциялар эгаларини тўғридан-тўғри рўйхатга олинишига олиб келадиган алоҳида таомиллар сифатида назарда тутилди. Жумладан, Қонуннинг 47-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунига кўра, эндиликда **жамият акциядорлари реестрини шакллантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобвароқлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.** Албатта, ўзига нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, унинг дивидендлар олиши ва эмитент томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг белгиланган санадаги ҳолатига кўра шакллантирилган реестри асосида амалга оширилади. Шакллантирилган ва марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган жамият акциядорлари реестрига ўзгартишлар киритилишига йўл қўйилмайди;

**тўртинчидан,** «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмининг амалдаги таҳририга мувофиқ, очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 000 (эллик минг) АҚШ долларининг миллий валюта эквивалентига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 200 (икки юз) баравари миқдоридан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланган эди. Эндиликда эса ОАЖ ва ЁАЖ устав фондларининг миқдори бирхиллаштирилди, яъни **акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак.**

Бундан ташқари, устав фондини кўпайтиришга доир манбалар хақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмаслигининг белгилаб қўйилганлиги ўз навбатида, акциядорлик жамиятларининг устав фондини кўпайтиришда муҳим омиллардан бўлди;

**бешинчидан,** маълумки, шу даврга қадар амалиётда акциядорлик жамиятлари умумий йиғилишлари кун тартибига аниқ масалалар билан боғлиқ бандларнинг киритилмаслиги билан боғлиқ ҳолатларнинг, айниқса кун тартибидаги «бошқа масалалар» деган банд бўйича бир неча қарорлар қабул қилинаётганлигини кўплаб кузатиш мумкин эди. Бу ўринда Қонуннинг «Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш» деб номланадиган 71-моддасига киритилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига кўра, эндиликда **аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кам ва 45 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.** Бу эса, ўз навбатида, эмитентнинг кун тартибидаги масалаларни олдиндан эълон қилиши улар юзасидан акциядорлар овоз беришига тайёргарлик қилишлари учун тақдим қилиш мажбуриятини белгилайди;

**олтинчидан,** «Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари»ни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи 82-моддада жамият кузатув кенгаши **корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса,** ҳуқуқига ҳам эга эканлигининг белгилаб қўйилганлиги ўз навбатида, жамиятда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бир қабул қилинаётган қарорларга шахсан масъуллиги ва жавобгарлиги оширилди. Яъни эндиликда Кузатув кенгаши аъзолари ҳам акциядорларнинг умумий йиғилишларида йил давомида олиб борган фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш йўли билан корпоратив бошқарувнинг энг асосий тамойилларидан бўлган ҳисобдорлик принципини кенг татбиқ этадилар;

**ва ниҳоят еттинчидан,** жорий йилнинг 23 июлида расмий кучга кирган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонундаги ибора ва атамалар бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, қонунда эндиликда акциялар хиллари бўйича эмас, балки турлари бўйича оддий ва имтиёзли бўлиши мумкинлиги назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш билан бир қаторда, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

***Нуриддин НАРМАТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди, доцент.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1011,30 | 1 Малайзия ринггити | 382,91 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2351,26 | 1 Польша злотийси | 533,55 |
| 1 Дания кронаси | 243,90 | 1 СДР | 2047,27 |
| 1 БАА дирҳами | 363,02 | 1 Туркия лираси | 1012,91 |
| 1 АҚШ доллари | 1333,29 | 1 Швейцария франки | 1177,19 |
| 1 Миср фунти | 245,23 | 1 ЕВРО | 1818,61 |
| 1 Исландия кронаси | 11,77 | 10 Жанубий Корея вони | 10,54 |
| 1 Канада доллари | 1227,14 | 10 Япония иенаси | 127,78 |
| 1 Хитой юани | 194,68 | 1 Россия рубли | 51,48 |
| | | 1 Украина гривнаси | 273,79 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 8.10.2008 | 1 | 0,8098 | 1 | 1,1008 | 1 | 0,031 |
| Арманистон | 8.10.2008 | 1 | 305,57 | 1 | 416,34 | 1 | 11,70 |
| Беларусь | 9.10.2008 | 1 | 2114,00 | 1 | 2883,60 | 1 | 80,80 |
| Грузия | 8.10.2008 | 1 | 1,412 | 1 | 1,9147 | 1 | 0,0539 |
| Қозоғистон | 9.10.2008 | 1 | 119,95 | 1 | 163,42 | 1 | 4,59 |
| Қирғизистон | 4.10.2008 | 1 | 36,676 | 1 | 50,8494 | 1 | 1,4161 |
| Латвия | 8.10.2008 | 1 | 0,518 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0198 |
| Литва | 9.10.2008 | 1 | 2,5447 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,7171 |
| Молдова | 8.10.2008 | 1 | 10,2761 | 1 | 13,9498 | 1 | 0,3923 |
| Тожикистон | 8.10.2008 | 1 | 3,4007 | 1 | 4,7059 | 10 | 1,2985 |
| Ўзбекистон | 7.10.2008 | 1 | 1333,29 | 1 | 1818,61 | 1 | 51,48 |
| Украина | 8.10.2008 | 100 | 489,10 | 100 | 666,7411 | 10 | 1,8683 |
| Эстония | 8.10.2008 | 1 | 11,4795 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,439356 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

● РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган
STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION
pr_67
МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда
30 дан зиёд офис ва 300 агент
– транспортнинг барча турларида юк ташиш
– юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш
– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви
Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:

● УСТУВОРЛИКЛАР
– Долзарб масалага бағишланди *1-2-бетлар*
● СУҒУРТА БИЗНЕСИ
– Дипломга муносиб тажриба *3-бет*
● КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Ходимни ишдан кўнглини оғритмай бўшатиш одоби *4-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:**
– «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР МББнинг «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР молия вазирининг «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;
– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, МВнинг «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 23 августдан 5 сентябргача бўлган маълумот.** *5-10-бетлар*
● БИЗНЕС-ПАНОРАМА *11-16-бетлар*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

**● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида».

**● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

**● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МББнинг «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР молия вазирининг «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, МВнинг «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**● МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 23 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИДАН МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 361-модда)*

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса** — суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик;

**меҳнатда майиб бўлиш** — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида суғурталанган шахснинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

**суғурталовчи** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

**суғурта бадаллари** — суғурта қилдирувчининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда амалга ошириладиган ажратмалари;

**суғурталанган шахс** — меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган, суғурта қилдирувчи суғурталовчига шу шартномага (контрактга) мувофиқ суғурта бадалларини тўлайдиган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим бўлган жисмоний шахс;

**суғурта қилдирувчи** — жисмоний шахсни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишга ёллаган юридик ёки жисмоний шахс;

**суғурта ҳодисаси** — суғурталанган шахснинг соғлиғига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида зарар етказилганлиги ёки унинг вафот этганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт бўлиб, у суғурта товони тўловларини амалга ошириш бўйича суғурталовчининг мажбурияти вужудга келишига сабаб

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 11 сентябрдаги 179 (4589)-сонида эълон қилинган.***

бўлади.

**4-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига бўлган ҳуқуқларини қонунда белгилаб қўйиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллиги оқибатида ходимнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлаш.

**5-модда. Суғурталанган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурталанган шахс:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта товони билан таъминланиш;

суғурта ҳодисасини текширишда, шу жумладан касаба уюшмаси органи ёки ўз ишончли шахси жалб қилинган ҳолда иштирок этиш;

суғурта ҳодисаларини текшириш натижаларига доир қарорлар устидан шикоят қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суғурта қилдирувчидан, суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш масалалари юзасидан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига мустақил равишда мурожаат этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга, шунингдек касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Суғурталанган шахс:

меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этиши;

суғурта ҳодисаси юз берганда, ўз яшаш жойи ёки иш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек ўзи оладиган суғурта товонининг миқдори ўзгаришига ёки уни олиш ҳуқуқининг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳақида бундай ҳолатлар вужудга келган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилиши;

тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилишга доир тавсияларни бажариши, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси белгилаган муддатларда тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиши шарт.

Суғурталанган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**6-модда. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурта қилдирувчи:

суғурталанган шахс меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этишини талаб қилиш;

суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси содир бўлганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ёрдам кўрсатиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи:

суғурта бадалларини суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўлаши;

суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш чораларини таъминлаши;

суғурта ҳодисаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириши;

суғурта ҳодисаси содир бўлган кундан эътиборан бир сутка ичида бу ҳақда меҳнат шароитларини муҳофаза ва экспертиза қилиш давлат инспекциясига хабар қилиши;

суғурталанган шахсни тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш учун юбориши;

суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва уларни текшириш масалалари бўйича давлат органларининг қарорларини ижро этиши ҳамда касаба уюшмаси органларининг таклифларини кўриб чиқиши;

суғурталанган шахсларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини ўз маблағлари ҳисобидан ўқитиши;

суғурталанган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг тартиби ҳамда шартларини тушунтириши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини суғурталанган шахсга тақдим этиши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**7-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурталовчи:

суғурта ҳодисалари тўғрисидаги ахборотни текшириш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари юзасидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи:

суғурта товони тўловларини амалга ошириш учун пул маблағларини тўплаши;

туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларини белгиланган ҳажмларда ва ўз вақтида молиялаштириши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлардан фойдаланишнинг ҳисобга олинишини таъминлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган зарур чораларни амалга ошириши;

суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар тўғрисида ўз фаолияти натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**8-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағларни шакллантириш**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлар суғурталовчи томонидан қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари;

ундириладиган жарима ва пенялар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

**9-модда. Суғурта товонининг турлари ва уни тўлаш**

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа, ногиронлик пенсияси ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тарзида тўланади.

Суғурта товони туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари учун суғурталовчи томонидан тўпланган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

**10-модда. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа**

Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн маросимини ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўланади.

**11-модда. Ногиронлик пенсияси**

Ногиронлик пенсияси ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилганда тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик пенсияси иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик келиб чиққан вақт ва ногиронлик белгилаб қўйилаётган муддат қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

**12-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. Бунда ёшидан ва меҳнат лаёқатидан қатъи назар, фарзандларга, ота-онадан бирига ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингилга пенсия, агар улар вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунига қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса, боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар, тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, шунингдек вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғида бўлмаган ота-онасига ва эрига (хотинига) ҳам, агар улар кейинчалик тирикчилик учун зарур маблағлар манбаидан маҳрум бўлиб қолган бўлса, тўланади.

**13-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**14-модда. Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги**

Суғурта қилдирувчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, суғурта бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун жавобгардир.

Суғурта қилдирувчи суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш кечиктирилганда суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда жарима ва пенялар тўлайди.

**15-модда. Суғурталовчининг жавобгарлиги**

Суғурталовчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, шунингдек туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларининг белгиланган ҳажмларда ўз вақтида молиялаштирилиши учун жавобгардир.

**16-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 10 сентябрь*
*ЎРҚ–174-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 367-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-

**** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 184 (4594)-сонида эълон қилинган.***

моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **165-модда** билан тўлдирилсин:

**«165-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш**

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «166, 167, 169, 170-моддалари» деган сўзлар «165, 166, 167, 169, 170-моддалари» деган сўзлар билан, «176-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлар эса «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 18 сентябрь*
*ЎРҚ–180-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ СУҒУРТА НАЗОРАТЧИЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИГА КИРИШИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 372-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон қарорини ижро этиш юзасидан ҳамда суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Вазирликнинг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига (СНХУ) кириши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши билан боғлиқ зарур тартибқоидаларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

3. Белгилансинки, Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига йиллик бадаллар тўлаш бўйича сарф-харажатлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг харажатлар сметасида назарда тутиладиган бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 8 сентябрь,*
*202-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЯНГИ НАМУНАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 27 ИЮНДАГИ 131-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 381-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини узайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини тайёрлаш учун сарфлаш материалларини сотиб олишни молиялаштириш 2008 йил учун Ички ишлар вазирлигига назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А.Матлюбов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 18 сентябрь*
*211-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 18 сентябрдаги 211-сон қарорига*
*ИЛОВА*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВЛАТ РАҚАМИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЯНГИ НАМУНАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 27 ИЮНДАГИ 131-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 2-бандда:

иккинчи хатбошида «2007» ва «2008» рақамлари тегишли равишда «2008» ва «2009» рақамлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «2008» рақамлари «2009» рақамлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «2007» рақамлари «2008» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. 6-бандга «ташкил этиш учун» сўзларидан кейин «технологик асбоб-ускуналар харид қилишга 333990,0 евро эквивалентида» сўзлари қўшилсин.

3. 7-банднинг учинчи хатбошида «2007» рақамлари «2008» рақамлари билан алмаштирилсин.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 35-36-сон, 359-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–726-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк Бошқаруви раиси***
***Ф. МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 19 июль,*
*16/2-сон.*

***2008 йил 14 сентябрдан кучга киради.***

*Марказий банк Бошқарувининг*
*2008 йил 19 июлдаги 16/2-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ–726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 45-сон, 454-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 94-модда) мувофиқ, юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги ўринларда — якка тартибдаги тадбиркорлар) томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланилган ҳолда товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картаси** (кейинги ўринларда — якка тартибдаги тадбиркор банк картаси) — якка тартибдаги тадбиркорга банк томонидан бериладиган, якка тартибдаги тадбиркор банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси;

**якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг сақловчиси** — эмитент билан шартнома асосида банк карта-

сидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор. Бунда якка тартибдаги тадбиркор ўзидан бошқа шахсга банк картаси сақловчиси ваколатини бериши мумкин эмас;

**карта ҳисобварағи** — якка тартибдаги тадбиркор банк картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

**савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси** — эквайер банк билан тузилган битимга мувофиқ товар (иш ёки хизмат)лар учун якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олувчи маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

2. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталарининг эмиссияси Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 30 апрель, рўйхат рақами 1344 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 17-сон, 203-модда) мувофиқ олиб борилади. Якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг олд томонида банк картасининг мажбурий реквизитлари сифатида «якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилиши лозим.

3. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) мувофиқ 22619 — «Якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк пластик карталари бўйича мажбуриятлари» баланс ҳисобварағида юритилади.

## II. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР

4. Карта ҳисобварағини пул маблағлари билан тўлдириш карта ҳисобварағини очган якка тартибдаги тадбиркорнинг тўлов топшириқномасига асосан унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилади.

5. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон) мувофиқ амалга оширилади.

6. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан қурилиш материаллари), ярим фабрикатлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик сув, оқова, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлар;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун.

7. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар банк картаси орқали нақд пулсиз амалга оширилганда унинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами) кўрсатилиши лозим.

8. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда тўлаш учун сарф қилинаётган пул маблағлари қатъий тарзда белгиланган мақсадларга ишлатиладиган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

9. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси воситасида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширганида терминаллар квитанцияларининг асл нусхалари, унга илова қилинган, тегишли тўловни терминал орқали қабул қилган хизматчининг имзоси ва «тўланди» муҳри қўйилган счётлар ва квитанциялар, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ҳисобот ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади.

Бунда томонлар, яъни сотувчи ва банк картасининг эгаси ўртасида тегишли шартнома тузилган бўлиши шарт.

10. Карта ҳисобварағидаги маблағларни асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилганда унинг карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағлар асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

11. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси орқали нақд пул маблағлари берилишига йўл қўйилмайди.

## III. АМАЛГА ОШИРИЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

12. Якка тартибдаги тадбиркор банк картаси орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварағини очган якка тартибдаги тадбиркор зиммасида бўлади.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДА

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

***Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.***

***Ўзбекистон банклари ассоциацияси Бош директори С.АБДУЛЛАЕВ.***

*Тошкент ш., 2008 йил 19 июль.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 августда 1840-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 31-32-сон, 307-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 12 майдаги 01/06-01-сонли «Баҳоловчи ихтисосли-

***2008 йил 14 августдан кучга киради.**

гини олишлари учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказишга оид низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 26 май, рўйхат рақами 1244 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сонлар);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 01/19-18/05-сонли «Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2007 йил 2 март, рўйхат рақами 1660 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сонлар, 91-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 16 июль*
*01/19-18/09-сон.*

*Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда)га мувофиқ баҳоловчининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини бериш, муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Баҳоловчининг малака сертификати (кейинги ўринларда матнда малака сертификати деб юритилади) жисмоний шахсга, агарда у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турса ёки баҳоловчи ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Малака сертификати 5 йиллик муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатларга узайтирилиши мумкин.

2. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги келадиган йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда матнда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади) томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланадиган малака ошириш дастурлари бўйича 40 соатдан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

3. Малака сертификатини олиш учун талабгор бўлган жисмоний шахс (кейинги ўринларда матнда талабгор деб юритилади) малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда, унга Давлат мулки қўмитаси томонидан мазкур Низом қоидаларига мувофиқ малака сертификати берилади.

### II. МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

4. Малака сертификатини олишга талабгор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга ҳамда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги беш йилда камида бир йил иш стажига эга бўлиш;

ёхуд олий маълумотга ҳамда сўнгги беш йилда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида икки йил иш стажига эга бўлиш.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади;

б) Давлат мулки қўмитаси томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланадиган дастур бўйича баҳоловчилар тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаслиги керак.

Баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгорлар баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга қўйиладилар.

5. Малака сертификатини олиш учун талабгор Давлат мулки қўмитасига 1-иловага* мувофиқ малака имтиҳонини топшириш учун рухсат бериш тўғрисидаги аризани унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

а) 2-иловага* мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

б) паспорт нусхаси;

в) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёхуд хорижда ўқишни битирганлиги тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга тенг деб топилганлиги (нострификация қилинганлиги) тўғрисида (хориждаги таълим муассасасида олинган олий маълумотга эга бўлса) ваколатли давлат органининг гувоҳномасини нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) 4 х 6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

е) баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаси ва уни берган муассасанинг ушбу сертификат ҳақиқий эканлиги тўғрисидаги хати (талабгорнинг ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт) ёки баҳоловчининг халқаро сертификатининг мазкур сертификатни берган муассаса томонидан ёки нотариал тасдиқланган нусхаси;

ж) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Ҳужжатлар талабгор томонидан Давлат мулки қўмитасига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилиши мумкин.

7. Давлат мулки қўмитаси ариза тушган кундан бошлаб уч кунлик муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

***1-3-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Малака имтиҳонини топшириш учун рухсат бериш тўғрисидаги ариза, сўровнома ва баҳоловчи малака сертификати намуналари билан www.norma.uz сайтининг фойдаланиш учун очиқ «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида танишишингиз мумкин.**

8. Қуйидаги асосларга кўра талабгор малака имтиҳонига киритилмайди:

а) мазкур Низомнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда ва лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этганда;

в) тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда;

г) суд тартибида молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки ушбу соҳада муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Мазкур ҳолатда Давлат мулки қўмитаси талабгорни имтиҳонга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу куннинг ўзида ариза берувчига ёзма равишда асосланган рад жавобини юборади.

9. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилган шахслар рўйхати имтиҳон комиссиясига тақдим этилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, ҳужжатлар тушган кундан бошлаб икки ойда камида бир маротаба ўтказилади.

10. Имтиҳон комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 10 кун олдин хабардор қилинадилар.

12. Малака имтиҳонига қўйилмаган талабгор малака имтиҳонига қўйилмасликка сабаб бўлувчи камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

13. Талабгор унинг шахсини тасдиқловчи паспорти ёки бошқа ҳужжатини кўрсатган ҳолда малака имтиҳонига қўйилади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлмаган, ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар имтиҳонга қўйилмайди ва у келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

14. Агарда талабгор Давлат мулки қўмитасига ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур бўлимда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Малака имтиҳони талабгорларни гуруҳларга бўлган ҳолда компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали ўтказилади.

16. Тест саволлари вариантлари ва уларнинг жавоблари Давлат мулки қўмитаси томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари ва ўқув марказлари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган баҳоловчиларнинг ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволлари мазмуни соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига қараб мунтазам равишда такомиллаштириб борилади.

17. Тест дастури камида 75 та саволдан иборат бўлиб, ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттириши керак.

Тест натижалари ижобий деб топилиши учун тўғри жавоблар миқдори берилган саволлар миқдорининг камида 80 фоизини ташкил этиши керак.

18. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ёки бошқа материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш;

б) уяли алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

в) бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

г) имтиҳон ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш. Хонадан чиққанлар қайтадан имтиҳонга қўйилмайди.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

19. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида имтиҳон жавобларини ажратилган вақт ичида тўлиқ беришга улгурмаган талабгорлар малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланадилар.

Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорларга улар томонидан тўланган йиғим пули қайтарилмайди.

Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун йиғим тўлаш шарти билан белгиланган тартибда такроран имтиҳондан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли, бунда малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтган бўлиши керак.

20. Имтиҳон натижалари имтиҳон комиссияси томонидан малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг уч кунлик муддатда баённома билан расмийлаштирилади.

21. Тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитасида сақланади.

## III. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ

22. Малака имтиҳони натижалари Давлат мулки қўмитасининг буйруғи билан тасдиқланади.

23. Малака сертификати мутахассиснинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкда 3-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эгадир.

24. Малака сертификатининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Малака сертификатининг бланкалари Давлат мулки қўмитаси буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади.

25. Малака сертификати Давлат мулки қўмитаси томонидан имтиҳон комиссияси баённомалари олингандан кейин 10 кун муддатда расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёки бошқа шахсга (нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома асосида) баҳоловчилар реестрига имзоси қўйилгач белгиланган тартибда берилади.

26. Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштириш кунидан бошлаб уч ой ичида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий бош тортса Давлат мулки қўмитаси мазкур сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда талабгорларга улар томондан тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

## IV. АПЕЛЛЯЦИЯНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

27. Малака имтиҳони натижалари бўйича малака имтиҳонидан ўтмаган деб тан олинган талабгорлар малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь куни мобайнида Давлат мулки қўмитасига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Давлат мулки қўмитаси бир ҳафта муддатда берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига ёзма хабар юборади.

28. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

а) имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

б) апелляцияга берган шахс учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида.

29. Имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) апелляция ушбу Низом талабларига тааллуқли бўлмаса;

б) апелляция кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

30. Такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган шахсга нисбатан малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳоллари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

31. Давлат мулки қўмитаси томонидан апелляция берган талабгор учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран малака имтиҳони ўтказилади.

32. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

33. Давлат мулки қўмитасининг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

## V. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ, ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ДУБЛИКАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

34. Малака сертификати эгаси мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига камида уч ой қолганда Давлат мулки қўмитасига малака сертификати муддатини узайтириш тўғрисида 1-иловага мувофиқ ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) 2-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

б) баҳоловчининг малака сертификатининг асл нусхаси;

в) малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

35. Малака сертификати муддатининг узайтирилиши мазкур Низомнинг 34-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва малака сертификатининг эгаси малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати мазкур сертификатнинг бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

Малака имтиҳонидан ўтмаган баҳоловчи малака имтиҳонидан ўтиш учун йиғим тўлаш шарти билан қайта малака имтиҳонидан ўтиш ҳуқуқига эга.

36. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур сертификатнинг бланкида махсус белги (ёзувни) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли тўлдирилмаган қаторлар мавжуд бўлмаган тақдирда, малака сертификати эгасига аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари берилган баҳоловчининг малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

37. Малака сертификати эгасининг фамилияси, исми, шарифи ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, у 10 кун ичида Давлат мулки қўмитасига малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун баҳоловчи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўлайди.

38. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши унинг эгаси томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида амалга оширилади, бунда аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификатининг янги бланки берилади, илгари берилган малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

39. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига малака сертификати эгасининг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Малака сертификатининг эгаси малака сертификатининг йўқолганлиги ҳақида матбуотда эълон бериши ва эълон нусхасини Давлат мулки қўмитасига тақдим этиши керак.

40. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланкнинг юқоридаги бурчагига Дубликат ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши ва белгиланган тартибда тугатилиши лозим.

41. Дубликат беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

## VI. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

42. Қуйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

баҳоловчининг аризаси;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш;

баҳоловчи томонидан баҳолаш давомида олинган маълумотларни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

43. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб унинг амал қилиши тўхтатилади.

Баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган йўл қўйилган қонун бузилишлари учун тўхтатилган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиши тўхтатилишига сабабчи бўлган қонун бузилишларига йўл қўйган раҳбарнинг ва баҳоловчининг малака сертификатлари амал қилиши тўхтатилади.

44. Баҳолаш фаолиятини амалга оширишда малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатлари талабларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қуйидагилар киради:

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолашни амалга оширишда холисликни таъминламаслик;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ва эксперт хулосасини нотўғри тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

баҳоловчининг назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ва бошқа тадбирларда ўзи штатида турадиган ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган баҳоловчи ташкилотнинг тегишли рухсатномасисиз (буйруғисиз) мутахассис сифатида қатнашиши.

45. Малака сертификати қуйидаги ҳолларда Давлат мулки қўмитасининг қарорига биноан бекор қилинади:

Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги суд томонидан эътироф этилганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганда.

46. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

47. Баҳоловчилар қонун ҳужжатларини бузганлик учун малака сертификатлари бекор қилинган ёки уларнинг амал қилиши тўхтатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун имтиҳонга қўйилмайди.

48. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот

воситаларида эълон қилиниб борилади.

49. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори 5 кунлик муддатда малака сертификатининг эгаси ва баҳоловчи ишлаётган баҳолаш ташкилотига юборилади.

50. Баҳоловчи унинг малака сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ўз сертификатини Давлат мулки қўмитасига белгиланган тартибда тугатиш учун қайтариши шарт.

### VII. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БАҲОЛОВЧИЛАРНИНГ РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

51. Давлат мулки қўмитаси томонидан малака сертификатига эга бўлган баҳоловчиларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми шарифи ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва турар жойи;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

52. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

53. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.* ***Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 13 июль.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

## АВТОБЕНЗИН ВА ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ УЧУН ҚАТЪИЙ МИҚДОРДА БЕЛГИЛАНГАН АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 сентябрда 1852-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 383-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда) 12-1-сонли иловасига асосан **буюраман:**

1. Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Аи-80 маркали автобензинга — 216 500 сўм/тоннага;

Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали автобензинга — 238 100 сўм/тоннага;

Аи-95 маркали автобензинга — 275 500 сўм/тоннага;

дизель ёқилғисига — 185 200 сўм/тоннага.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 мартдаги 23-сонли «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (2008 йил 6 март, рўйхат рақами 1777 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 10-11-сон, 69-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*Молия вазири* ***Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 29 август*
*92-сон.*

***2008 йил 15 сентябрдан кучга киради.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

## УСТАВ КАПИТАЛИДА ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ (УЛУШЛАРИ) 50 ФОИЗДАН ОРТИҚ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗАДИГАН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЎЙХАТИГА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 9 сентябрда 1668-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 387-модда)*

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 155-модда)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03 ва 20-сонли қарори билан тасдиқланган «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган

***2008 йил 19 сентябрдан кучга киради.***

аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низом» (2007 йил 28 март, рўйхат рақами 1668 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 128-модда)га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***
*01/12-18/08-сон*

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*75-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 15 август.*

*Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2008 йил 15 августдаги 01/12-18/08, 75-сонли қарорига ИЛОВА*

## УСТАВ КАПИТАЛИДА ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ (УЛУШЛАРИ) 50 ФОИЗДАН ОРТИҚ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗАДИГАН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЎЙХАТИГА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИ КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига (кейинги ўринларда — Рўйхат) аудиторлик ташкилотларини киритиш учун танлов мазкур Низом билан белгиланган талабларга жавоб берувчи ва барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ёки ташаббус тарздаги ва банклар, суғурта ташкилотлари ва устав капитали 500 млн. сўмдан юқори бўлган очиқ акциядорлик жамиятларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг аризалари асосида амалга оширилади.».

2. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотига қўйиладиган талаблар:

а) барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ёки ташаббус тарздаги ва банклар, суғурта ташкилотлари ва устав капитали 500 млн. сўмдан юқори бўлган очиқ акциядорлик жамиятларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги;

б) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва штатдаги аудиторларда амалда бўлган аудиторлик сертификатларининг (ариза берилган пайтда) мавжудлиги;

в) аудиторлик фаолияти соҳасида камида 2 йиллик тажрибага эга бўлиши, шу жумладан, акциядорлик жамиятларини текшириш бўйича;

г) аудиторлик ташкилотида қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга бўлган камида битта мутахассиснинг мавжудлиги (малака мазкур ихтисослик бўйича маълумотга эга бўлиши ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестатининг мавжудлиги ёки ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлиши билан тасдиқланади);

д) фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 21 августдаги 76-сонли буйруғи билан тасдиқланган 4-сонли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти «Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган талаблар»га (2006 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1624 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 392-модда) мувофиқ ички стандартларнинг мавжудлиги».

3. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилоти ишончли тасдиқланган ҳолда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ёки ташаббус тарздаги ва банклар, суғурта ташкилотлари ва устав капитали 500 млн сўмдан юқори бўлган очиқ акциядорлик жамиятларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг нусхаси;

б) аудиторлик ташкилоти раҳбари ва штатдаги аудиторларнинг аудиторлик сертификатларининг нусхалари;

в) акциядорлик жамиятларини текшириш бўйича иш тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи камида 2 та аудиторлик хулосаларнинг нусхалари;

г) қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга эканлигини тасдиқловчи маълумоти тўғрисида диплом ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестати ёки меҳнат дафтарчасидан нусхалар;

д) фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг нусхаси;

е) ички стандартлар нусхалари».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 14 август.*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 23 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

## I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ, 01-*

*275-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 1845-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

2. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 13 августдаги 32/ҚҚ, 32, 01-274-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 1846-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

3. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 38, 35/ҚҚ, 01-276-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 1847-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

4. «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 30 июлдаги 27-сонли буйруғи.*

***2008 йил 29 августда 1848-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

5. «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 223-1, 04/ПҚ-34-Б, 57, 83-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 1849-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

6. «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 390-3-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 610-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

7. «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 84, 2008-31, 17/19724-сонли қарори.*

***2008 йил 29 августда 826-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 сентябрдан кучга киради).***

8. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келинишидан мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 25 августдаги 01-02/20-52, 89, 2008-37-сонли қарори.*

***2008 йил 3 сентябрда 1147-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 13 сентябрдан кучга киради).***

9. «Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 28 августдаги 14-сонли қарори.*

***2008 йил 4 сентябрда 478-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 сентябрдан кучга киради).***

10. «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сонли қарори.*

***2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 сентябрдан кучга киради).***

11. «Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 19 августдаги 01/19-18/13-сонли қарори.*

***2008 йил 5 сентябрда 1851-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 сентябрдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1462, 2005 йил 28 март), (рўйхат рақами 1462-1, 2006 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 1669-2, 2008 йил 26 март).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 29 августдаги 179-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 826, 1999 йил 30 сентябрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 29 августдаги 184-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 478, 1998 йил 19 август).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 4 сентябрдаги 186-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

Бизнес
# Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 41 (170)-сон

2008 йил 10 октябрь

## "SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

AAA
SANAY Co.Ltd

# К А Ф Е Л Ь

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



pr_8-01-01

Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

UZAGROEXPO 2008

## 4-я Международная специализированная ВЫСТАВКА
# УЗАГРОЭКСПО – 2008

**28 – 30 ноября, 2008**
Узэкспоцентр, 1Павильон.

- Сельское хозяйство
- Ветеринария. Животноводство.
- Агрохимия.
- Упаковка
- Оборудование для пищевой промышленности.
- Торговое оборудование.
- Продукты питания.

IEG UZBEKISTAN

Организаторы
IEG Uzbekistan
Узбекистан, 100084, Тащкент
ул. А. Тимура, 107Б
МБЦ, 4С-02
Тел/ факс.: +(998 71) 238-5988/ 82
E-mail: agro@ieguzexpo.com
cfs@ieguzexpo.com
www.ieguzexpo.com

**ПРИ ОФИЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКЕ:**
- Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан
- Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан
- Ассоциация фермерских хозяйств Республики Узбекистан.

# МУҲР ВА ШТАМПЛАР
Хизматлар лицензияланган
# ТАЙЁРЛАШ
**Тел.: 254-39-27, 281-46-57**

## Millenium Inform
# ОБУНА 2009
✓ ГАЗЕТАЛАР ✓ ЖУРНАЛЛАР ✓ КИТОБЛАР

☎ 763-00-50, 763-00-40, 235-92-13

Хитойдаги етказиб берувчидан
## ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ
сотилади

Alterna GROUP



УЙ ВА ОФИС УЧУН
ЧАРМДАН ВА ГАЗЛАМАЛИ!

ЕТКАЗИБ БЕРИШ – БЕПУЛ!

## ОФИС МЕБЕЛИ
БУЮРТМАГА

РАҲБАРЛАР КАБИНЕТЛАРИ
КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ХОДИМЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ
СТУЛЛАР, КРЕСЛОЛАР

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 474-13-54, 474-33-70

МЕБЕЛЬ САЛОНЛАРИ, АРХИТЕКТОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ

H1355

## Rutrans & Partners
Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

DICKIES компаниясининг
Ўзбекистондаги расмий вакили



*Ишчи ва махсус кийим*

*Ишчи ва махсус пойабзал*

*Ёнғинга қарши ускуналар*

*Махсус кийим аксессуарлари*

*Шланглар ва бутловчи қисмлар*

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўч., 1, 4-қават, 11-хона.
www.rutransenpartners.com
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru
Тел.: (+99890) 325-6043 (99871) 234-1843

# 19-21 ноябрь

"Интерконтиненталь" меҳмонхонаси

# РЕКЛАМА САНОАТИ 2008
халқаро кўргазма

РЕКЛАМА САНОАТИ
РЕКЛАМА
МАТБАА
ДИЗАЙН

## ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
- Корхона ва ташкилотлар раҳбарларини
- Турли фаолият соҳасидаги корхоналарнинг маркетинг ва реклама бўлими мутахассисларини (реклама берувчиларни)
- Реклама агентликлари, фото- ва дизайн студиялари мутахассисларини
- Реклама, матбаа, дизайн соҳасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш ниятида бўлган барчани

## СИЗ УЧУН
- БЕПУЛ АХБОРОТ СЕМИНАРЛАРИ
- МАСТЕР-КЛАССЛАР
- Кўнгилочар қувноқ тадбирлар, викториналар ва совринли ўйинлар
- Кўргазма иштирокчиларининг тақдимотлари
- Тошкент ш. оммабоп нашрларига имтиёзли обуна

Ташкилотчилар
EXPOCONTACT
Tashkent Advertising Association
Союз индустрии рекламы Узбекистана

Официальная поддержка
Официальная сотовая связь
Ucell

Информационная поддержка
НАЛОГОВЫЕ И ТАМОЖЕННЫЕ ВЕСТИ
НОРМА
ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ
НОВОСТИ УЗБЕКИСТАНА
ДЕЛОВОЙ ПАРТНЕР
НЕДЕЛЯ
HUMO
ЗРК

**САВОЛЛАР БЕРИНГ!**
☎ 387-64-46, 381-87-70
✉ ssp-expocontact@mail.ru
☎ 244-02-01, 244-02-40
✉ 2440201@mail.ru



# УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
# www. restoran.uz



## www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф










## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 26 сентябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "TEXBETFORM" ХК | 11-0806/13466 |
| "INTERSTROYPLAST" МЧЖ | 11-0806/13467 |
| "QISHLOQXOJALIKMASH TAOM" ШК | 11-0806/13468 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Ф.Каримов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 13 октябрь соат 10.00 да Ҳамза туман ДСИ биносининг 311-хонасида ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Ҳамза туман ДСИ биносида давом этмоқда. Кредиторлар талаблари 2 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй. Банкротлик иши 2008 йил 15 октябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-сонли суд мажлислари залида бўлиб ўтади. Тел. 289-46-88.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 11 сентябрдаги 11-0806/10621(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Янгийўл туманидаги "ПАНКРАТИОН" СК банкрот деб эътироф этилиб, тугатув жараёни бошланган.

Тел.: (код 8-260) 2-2630.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 25 августдаги 11-0806/13284(19)-сонли ажримига асосан Зангиота туманидаги "AZIM-MAKS" ХК соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш учун қабул қилинганлиги муносабати билан кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 9 октябрь соат 15.00 да ҳамда 2008 йил 10 октябрь соат 15.00 да Зангиота туман ДСИ биносида сайёр суд мажлиси бўлиб ўтади. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар Қ.Ф.Й., Охунбобоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси.

Тел. 270-70-31.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 3 октябрдаги 10-0811/13035-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "Fiona Plus" МЧЖни банкрот деб топиш бўйича иш очилган. Мазкур корхона бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 15 октябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин.

Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 3 октябрдаги 11-0810/12345(19)-сонли ҳамда 11-0810/12344(19)-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Ўртачирчиқ туманидаги "Маҳкамжон Шариф ўғли" ФХ (СТИР 204736680) ва "Мустақиллик Расул ота" ФХ (СТИР 204741731) банкрот деб эътироф этилган ва уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ўртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Мазкур корхоналарнинг белгиланган тартибга кўра топширилмаган думалоқ муҳрлари ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 29 сентябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "JASUR KAPITAL" МЧЖ | 10-0816/12717 |
| "MASTERSIL QURUVCHI" МЧЖ | 10-0816/12718 |
| "Осиё фарм" КК | 10-0816/12719 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Ф.Каримов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2008 йил 13 октябрь соат 10.00 да Ҳамза туман ДСИ биносининг 311-хонасида ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Ҳамза туман ДСИ биносида давом этмоқда. Кредиторлар талаблари 2 ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй. Банкротлик иши 2008 йил 22 октябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-сонли суд мажлислари залида бўлиб ўтади.

Тел. 289-46-88.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 10-0811/11844-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги "Sermil Qurilish" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга оид иш бошланди. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чилонзор туман ДСИ ходими Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхонанинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой давомида ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин.

Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 23 сентябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "SAN SERVIS EKSKLYUZIV" МЧЖ | 10-0820/11707(21)-т |
| "VODIY" ХКТФ | 10-0820/11708(21)-т |
| "INVEST PROGRESS INTER" МЧЖ | 10-0820/11709(21)-т |
| "STAND" МЧЖ | 10-0820/11710(21)-т |
| "ERKAD-AVLOD" ХФ | 10-0820/11711(21)-т |
| "AFIN" МЧЖ | 10-0820/11712(21)-т |
| "ALEKS-SAVDO" ХФ | 10-0820/11714(21)-т |
| "SERMIL-QURILISH" МЧЖ | 10-0820/11715(21)-т |
| "MAHAON PROGRESS" ШК | 10-0820/11716(21)-т |
| "UMID SAVDO LUKS" ХК | 10-0820/11717(21)-т |
| "TECHNO TRADE INVEST" МЧЖ | 10-0820/11718(21)-т |
| "POLIETILEN-KAPITAL-INVEST" ХК | 10-0820/11719(21)-т |
| "AL-QUBO" ХК | 10-0820/11720(21)-т |
| "IDJMA TRADE" МЧЖ | 10-0820/11721(21)-т |
| "ARK-LIBOS" МЧЖ | 10-0820/11722(21)-т |

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамғалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор туман Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор (собиқ Халқлар Дўстлиги) кўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

товар сертификатланган

# O'ZKABEL



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД

КЕНГ АССОРТИМЕНТ
100% лик СИФАТ КАФОЛАТИ

"Ўзкабель" ОАЖ КК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100041, Дўрмон йўли (собиқ Ф.Хўжаев) кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

## «ATI Asia Trade» МЧЖ

**«Урал АТИ» ОАЖ заводининг расмий вакили Тошкент ш.даги омбордан ва буюртмага АСБОТЕХНИК МАҲСУЛОТЛАР сотади**

| | |
|---|---|
| Паронит | ПОН-Б, ПМБ |
| Сальникли набивкалар | АП-31, АПР-31, АФТ, АГИ, АС, ЛС, ЛП-31, ХБС, ХБП-31 ва бошқ. |
| Асбест иплар | ШАОН, ШАП, ШАУ ва бошқ. |
| Асбест мато | АТ-2, АТ-3, АТ-4, АТ-7, АТ-16 |
| Тормоз тасмаси | Асбокартон КАОН-1 қалинлиги 3, 4, 5 |

**Россияда ишлаб чиқарилган РЕЗИНОТЕХНИК МАҲСУЛОТЛАР**

| | |
|---|---|
| Техпластиналар | 2Н-I-ТКМЩ-С-03, 00-с 2Н-I-МБС-С-03,00-с |
| Газ билан пайвандлаш учун резина қўлқоплар | I-09-0,63е I-06.3-0.63е III-09-2.00е III-06.3-2.00е |
| Напор қўлқоплар | Г, ВГ, В |
| Напор-сўргичли қўлқоплар 4 метр | Б-2-100-0,3е Б-2-75-0,3е |

**Тўлов – нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан (ЎзР сўмида) Доимий мижозлар учун ҳисоб-китобларнинг мослашувчан шартлари**
**Тел.: 158-30-43, 158-30-44, факс 253-08-26**

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

# АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

## РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Товар сертификатланган

## Тошкентдаги омбордан ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

**"ТЙКМ" МЧЖ улгуржи савдоси**

**Цемент** (Оҳангарон) ва **Алебастр** (Бухоро) - қопларда.
**Шлакоблоклар. Қуруқ қурилиш аралашмалари.**
**Ёритгичлар** – ЛПО 2х40, 1х40. **Шар** – 300 ва б.
**Лампалар** – ЛД-40. **Автоматлар** 1 фазали ва 3 фазали
**Гидравлик насослар. Гидроцилиндрлар.**
**Ишчи халат ва костюмлар, қўлқоплар.**

pr_8-27-01

Манзил: Олтин водий кўч., 29 (Венгерская). Мўлжал: аэропорт, Полевая кўч., Тел.: 250-83-86, 131-25-01, 441-79-73

## "ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ" ҚК

| ХАЛҚА, ШЕСТИГРАННИК | Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА |
|---|---|
| Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар | ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм |
| ЗАНГЛАМАЙДИГАН | РУЛОНЛИ ТАСМА |
| Қувурлар: 25х2,0, 57х3,0 ст. 12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т | ст. У8Г 0,9х0,326-Р |
| ЦЕМЕНТ – М400 ҚОПЛАРДА (ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ маҳсулоти) | МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ |

Товар сертификатланган

**Тошкент шаҳридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд**

*Тошкент ш., Бобур кўч., 87/1Б. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.).*
*E-mail: vklim_70@mail.ru*

pr_8-23-01

## "BENETEK-IMPEKS" МЧЖ

Н1344

ШИП ВА ДЕВОР УЧУН

Буюртмага

**ПЛАСТИК сотади**

Эни 20-25 см, бўйи 5,95 м
Тўлов пул ўтказиш йўли билан

**МИНТАҚАВИЙ ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**
**Тел.: 233-85-25, 182-64-46, факс 236-21-97**

● РЎЙХАТ

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарорларига асосан Яккасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|
| "AL-SHEROZ IMPEKS" МЧЖ | 11-0806/11649(19) | Глинка кўч., 11 |
| "ISHONCHLI TEMIR SERVIS" ХК | 11-0806/11648(19) | У.Носир кўч., 116-3 |
| "GULOMIDDIN JABBOROV" ХК | 11-0806/11647(19) | Ю.Ражабий кўч., 3-18 |
| "AKIV" ХК | 11-0806/11646(19) | Ивлева кўч., 5 |

Мазкур корхоналар бўйича ишончли вакил этиб К.Арипов тайинланган. Корхоналарнинг муҳр ва штамплари бекор қилинади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида тугатиш комиссияси томонидан қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 250-30-77. Тугатиш комиссияси манзили: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 4-қават, 408-хона, Яккасарой туман ДСИ биноси.

**www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J6124. Адади 5555. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2008 йил 9 октябрда соат 19.00 да топширилди.*